



СИПОХИЙЛАРНИ ЭНГ КУЙИ ДАРАЖАДАН ОЛИЙ МАРТАБАГАЧА КЎТАРИШ ТУЗУГИ

СИПОХИЙЛАРНИ ЭНГ КУЙИ ДАРАЖАДАН ОЛИЙ МАРТАБАГАЧА КЎТАРИШ ТУЗУГИ

Килич чопишда ўзини кўрсатган баходирларни, биринчи мартаба бўлса — ўнбоши, иккинчи мартаба ботирлик килса — юзбоши, учинчи мартабасида эса мингбоши килиб тайинласинлар. Ўнбоши кўли остидагилардан бири ботирлик кўрсатса, биринчи галда уни ўнбоши килсинлар. Килич чопишда ўзини химоя кила туриб кўзга ташланган аскарлар бундан истиснодир, чунки ҳўкиз ҳам сузишганда шохини никтайди. Шундай экан, сипохийнинг аслу насабига ҳам караш лозим. Агар мингбоши килич зарби билан ганимнинг бир фавж лашкарини синдирса, уни биринчи амир этиб тайинла-синлар. Биринчи амир ёв лашкари сафини бузиб, уларни таркатиб, баходирлик кўрсатса, уни иккинчи амирлик даражасига кўтарсин-лар. Шунга ўхшаш, кайси амир ёв лашкари тўпини тўздириб, иш кўрсатар экан, уни ўз мартабасидан юкори кўтарсинлар. Сипохийлардан

кимки астойдил шамшир чопгудек бўлса, маошини оширсинлар. Кайси бир сипохий урушдан юз ўгириб кочадиган бўлса, уни даргохимга киритмасинлар. Агар ночорликдан мажбур бўлиб чекинган бўлса, узрини қабул қилсинлар. Агарда ваҳима босиб, кўркувдан шундай қилган бўлса, уйига қайтарсинлар. Кайси сигюхий, душман қаршисида қилич чопиб, ярадор бўлган бўлса, уни тақдирлаб инъом берсинлар, бордию яралангандан кейин қочган бўлса, унга таҳсин ўкиб, яраланганлигини эътиборга олсинлар. Чунки у ганимга хужум қилолмай, ёв ҳамласи вақтида жароҳатлангандир, яраси унинг қочмаганлигига гувоҳдир. Шунинг учун ҳам сипохийлик ҳақини сакласинлар. Кайси бир сипохий хизматда юриб қариллик ёшига етаркан, уни улүфадан маҳрум этмаслик ва мартабасидан тўширмаслик керак. Ҳеч бир сипохийнинг хизмати назардан четда қолмасин, чунки улар давлат хизматида бўлиб, боқий ҳаётларини фаний дунё нақди учун аямаганликларининг ўзигагина ҳам инъомга ва моддий таъминотда бўлишга ҳақли ва лойиқдирлар. Уни инъомидан маҳрум қилиб, хизматларини кўрсатмасалар, ноинсофлик қилган бўлурлар.

Яна амр қилдимки, қайси бир амир ёки сипохийнинг менинг давлатим учун хизмати синггани аниқ бўлса — ганим лашқарини сандирган, бирор мамлакатни забт этган ёки [кўзга кўрингудек] қилич чопқилашган бўлса, унинг хизмати тақдирлаб, ҳақини адо қилсинлар. Ёши улүг, кекса сипохийларни ҳурматлаб, азиз тутсинлар. Улардан фойдали маслаҳатлар олсинлар, чунки улар айтадиган гаплар ўз тажрибаларида кўриб, билганларидир. Уларни салтанат қорхонасининг устунлари деб билсинлар. Улардан кейин ўғилларини ўринларига ўтказсинлар.

Яна амр қилдимки, ганим томонидан бизнинг қўлимизга ҳар қандай сипохий асир бўлиб тушса, уни ўлдирмасинлар. Унга ихтиёр берилсин. Агар наварқарликни қабул қилса, наварқар қилсинлар; йўқ эса уни озод этсинлар. Бунга мисол, мен қайсар билан урушда қўлга тушган тўрт минг румлик аскарни озод қилдим.

Ганим сипохийларидан қайси бири ўз давлатининг тузини оқлаб, бизга қарши қилич чопган, сўнгра ихтиёрий равишда ёки мажбур бўлиб, паноҳимизга келса, бундай аскарга ишониб, уни азиз тутсинлар. Чунки у ўз соҳибига вафодорлик қилиб, еган тузнамаги ҳақини саклаган. Шунга ўхшаш, мен ҳам Шер Баҳромга нисбатан шундай қилдим. Амир Ҳусайн билан бўлган урушда у мен билан юзма-юз тўқнашиб, қилич чопқилашди, кейинроқ эса ўзи иложсизликдан менинг паноҳимга келганида, уни ҳурматладим. Менгли-Буго ҳам Балх урушида менга қарши лашқар тортди. Жанг бошланишидан аввал ўзим томонга оғдириш максодида унга хат юбордим. У эса Туглук-Темурхоннинг ҳақиқа кўрнамаклик қилмади ва менга қарши лашқар тортиб, эрларча жанг қилди. Охир-оқибат енгилди. Кейинчалик ўз ихтиёри билан ҳузуримга тизза уриб паноҳ излаб келганда, унинг мартабасини улүгладим, илтифоту марҳаматлар кўрсатдим. Унга қилган иноятларим ҳақи ўртамыздан ўтган ноҳушликларни бутунлай унутди. Йигинларда унинг қилган баҳодирликларидан сўзлаб, офарин айтар эдим. Ўзи аслида эр йигит бўлгани учун менинг давлатимда ҳам кўп баҳодирлик кўрсатиб, мени мамнун қилди. Озарбайжон урушида Қора Юсуф билан тўқнашганимда лашқарим оғир аҳволга тушиб қолганди. Шунда у майдонда ўлган Қора Юсуфнинг аскар бошликларидан бирининг бошини найза учига санчиб, баланд кўтарди ва лашқаримга уни Қора Юсуфнинг боши деб, уни ўлдига чиқарди. Бундан лашқарим дадилланиб, жангга ташланди ва Қора Юсуф лашқарининг қалбига хужум қилиб, Қора Юсуфни қочирди. Бу урушда Қора Юсуф устидан қозонилган ғалабани Менгли-Буго номига ёздирдим ва унинг мартабасини оширдим.

АМИРЛАР, ВАЗИРЛАР, СИПОХ ХАМДА РАИЯТНИ ТАКДИРЛАБ, ИНЪОМ ВА СОВГАЛАР БЕРИШ ТУЗУГИ

Амр килдимки, кайси бир амир бирон мамлакатни фатх этса, ё ганим лашкарини енгса, уни уч нарса билан мумтоз килсинлар: [биринчиси] фахрли хитоб, туг ва ногора бўриб, уни баходир деб атасинлар. [Иккинчиси] уни давлат ва салтанат шериги билиб, кенгаш мажлисига киргизсинлар. [Учинчиси] унга чегара вилояти топширилсин ва ўша ерлик амирлар унга бўйсунсинлар. Агар амирлардан кайси бирови тўра (хон ўгли)ни енгса ёки бирон амирзодага шикаст етказса, ё бирор ўлкахонини мағлуб этса, уни юкоридаги йўсинда мукофотласинлар. Чунончи, Дашти Кипчокка, Ўрусхонга карши уруш учун юборган амирим ИкиТемур уни енгиб кайтгач, амирни мукофотлаб, тумон, туг, алам (байрок) ва ногора бердим. Уни давлатимга шерик килиб, ўзимга маслахатчи ва вазир килдим. Кенгашларимга киритдим ва чегарадаги вилоятлардан бирини унга такдим этиб, у ер амирларини унга бўйсундирдим. Шунда хасадчилар унинг хакида [турли уйдирма] гаплар таркатиб, «Ўрусхон улусини талон-торож килиб, мол-мулкни ўзиники килиб олди»,— дедилар. Бу гаплари билан ундан кўнглимизни бир оз совутдилар. Бирок мен Бахром Чубин кассасини эшитиб тажрибам ошганди. Воқеа бундай бўлган экан. Хокон уч юз минг конхўр турк аскарлари билан Хўрмуз ибн Нуширвон устига лашкар тортди. Хўрмуз эса Нуширвоннинг вазири, маслахатчиси ва сипохсолори бўлмиш Бахром Чубинни 320 минг эроний аскар билан хоконга карши урушга йўллади. У хокон лашкари билан тўкнашиб, уч кечаю уч кундуз жангу жадал килди. Охири хоконни: енгиб, бор хакикатни Хўрмузга арз килди, ўлжа килиб кўлга киритган бутун мол-мулкни Хўрмузнинг хузурига жўнатди. Шу аснода хасадчилар ва гийбатчилар Хўрмуз мажлисида унга карши тухмат килиб, «Бахром мол-мулкнинг катта улушини ўзига олиб колди, хоконнинг асл кимматбаҳо тошлар билан безатилган киличи ва тожи, жавахирлар кадалган этигини ўзлаштириб олди», дедилар. Хўрмуз ҳам хомтамъа бўлиб, Бахромнинг хизматларини унутди. Гаразгўй ва гийбатчи кишиларнинг гапларига ишониб, уни (Бахром Чубинни) гунохкор ва хоин деб билибди. Унга аёллар ёпинчиги, кишан ва занжир юборибди. Бахромнинг бўйнига кишан солиб, оёқларига занжир боғлаб, аёллар кийимини кийдиришни буюрибди. Сўнг хузурига амирлар, сипох бошликларини чакиртириб, уни саройда йигилган барчага кўрсатибди. Саркардалар ва бошка сипохийлар бу холни кўриб, Хўрмузга таънаю дашномлар ёғдиришибди. Ундан ихлослари кайтибди. Кейинчалик сипох Бахром Чубин бошчилигида иттифок бўлиб, Хўрмуз даргохига бостириб келибдилар. Уни салтанатдан тушириб, Ажам мамлакати салтанатининг тахтига Хусрав Парвизни ўтказибдилар.

Мен бу воқеадан сабоқ олганим сабабли, сипохимнинг таънаю дашномларига қолиб кетмаслик учун Амир Ики-Темурни хузуримга чорладим; сарой ходимлари ва халкни тўплаб мажлис курдим. Урусхон улусидан ўлжа килиб олинган бутун мол-мулкни бир ерга тўплаб, Амир Ики-Темурга ва у билан бирга килич чопган баходирларга ва сипохийларга инъом килдим.

Яна амир килдимки, жангда ўзини кўрсатиб, каршисидаги ганим лашкарини синдирган

хар бир амирнинг мартабасини оширсинлар. Чунончи, Тобон баходир Тўхтамишхон билан бўлган урушда [от солиб], ганим байрокдорига етиб олди ва душман байрогини ерга туширди, ўзи бир неча жойидан яраланди. Хасадчилар ва шу кахрамонликка даъвогар бўлганлар, унинг бу хизматини мендан яширмокчи бўлдилар. Лекин мен уни [инъомдан] холи колдириш инсофдан эмас, деб билиб Тобон баходирга амирлик даражасини бердим. Сўнгра унга иззат-икром кўрсатиб, байрок такдим этдим.

Яна амр килдимки, ўнбоши, юзбоши ва мингбошилардан кай бири душман сафини бузиб, ўз каршисидаги аскар фавжини синдирса, ўнбоши бўлса, шаҳар ҳокимлигини берсинлар. Юзбоши бўлса, уни бирон мамлакат ҳукмдори этсинлар. Бунга мисол шулки, юзбоши Барлос баходир Тўхтамишхон билан бўлган урушда ёв лашкари билан юзма-юз тўкнашиб, душман кўшинини синдирди. Уни Хисори Шодмон мамлакатига ҳоким этиб тайинла-дим. Яна буюрдимки, мингбошилардан биронтаси каршисида турган ганим лашкарини синдирса, уни мамлакат ҳукмдори килсинлар. Бунга мисол, Мухаммад Озод Катур жангидан [бир оз бурун] Бурхон ўғлон лашкарини мағлубиятга учратган сиёхпўш жамоасини енгиб, уларни синдирди. Мухаммад Озодни Кундуз ва Кўлоб мамлакатларига волий килиб тайинладим.

Яна ҳукм чикардимки, амирлардан кайси бири ганим кўлидаги бирор мамлакатни фатх этиб, душман тасарруфидан озод килса, шу мамлакатни уч йилга унга инъом тарикасида берсинлар.

Ва амр килдимки, кайси бир аскар килич чопиб баходирлик кўрсатса, унга инъом тарикасида чумок, кимматбаҳо тошлар кадалган ўтога, камар, турна беллик килич ва бир от берсинлар ва ўнбошилиқ мартабасига кўтарсинлар. Иккинчи, учинчи бор баходирлик кўрсатса, юзбоши ва мингбоши мартабасига етишади.